

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«Хайвонлар касалликлари
ва паразитология» кафедраси

«5440100 –Ветеринария» таълим йўналиши кундузги бўлим
4-босқич бакалавриат битирувчиси

БОЙНАЗАРОВ БОЗОРНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Итлар токсокарозини даволаш ва олдини олиш
тадбирлари»

Илмий раҳбар:
доцент в.б.

П.С.Хақбердиев

Битирув малакавий иши муҳокома
қилинди ва ҳимояга рухсат берилди:

Кафедра мудири, доцент

_____Б.Бакиров

Баённома № _____

«_____» _____ 2012 й.

Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факультети
декани, доцент

_____Фармонов Н.О.

«_____» _____ 2012 й.

М У Н Д А Р И Ж А :

I. Кириш.....	3
1.1. Мавзунинг долзарблиги.....	7
1.2. Мавзуни илмий- амалий асосланиши.....	9
2. Адабий манбаларнинг тахлили.....	10
3. Шахсий тадқиқотлар.....	18
3.1. Тадқиқотларнинг материалари ва методлари.....	18
3.2 Тадқиқот натижалари	20
3.3. Олинган натижаларнинг тахлили.....	28
3.4. Цестанли грануланинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.....	29
4. Чорвачилликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш	
ва менежмент асослари.....	31
5. Ветеринария ишини ташкиллаштириш ва унинг иқтисоди.....	43
6. Ҳаёт фаолияти хавсизлиги.....	50
6.1. Меҳнат муҳофазаси.....	50
Хулоса.....
Таклифлар.....	55
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	57
Иловалар ва интернет маълумотлари.....	61

I. Кириш.

Ўзбекистон Республикаси аграр соҳа тизимида сўнги йилларда чорвачиликка алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Республика Президенти И.А. Каримовнинг 2006 йил 23 – мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришнинг рағбатлантириш чорва – тадбирлари тўғрисида»ги П.Қ. – 308 ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтиришни ҳамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш борасидаги кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги П.Қ. 842 қарорлари чорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб, ҳисобланади. Ўтган йилги ғалла экинларидан мўл ҳосил олиниши эса чорва молларининг бош сонини кўпайтиришга, уларнинг махсулдорлигини оширишга имкон беради. Аммо бундай ижобий ишларни тўлиқ рўёбга чиқаришга, юқоридаги барча имкониятлардан ташқари ушбу соҳани ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам мавжуд. Улар жумласига қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида доимий учраб турадиган ва вақти – вақти билан авж оладиган турли паразитар касалликларини мисол келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига асосан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида ягона имкониятини туғдиради. Хусусий мулкчиликнинг устиворлигининг йўналтиришга қаратилган қонун ҳужжатларнинг такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлашга тадбиркорликка кўпроқ эркинлик беришга кичик бизнес субъектларининг молия кридет ва хомашё ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлайди. Давлат назорат органининг тадбиркорлик субъектлари молия хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартиришга қартилган. Кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш тартиб қоидаларни янада соддалаштириш ҳамда бизнес

субъектларини кўриш ва тадбиркорларга ер – участкаларини ҳал этиш бўйича аниқ чора тадбирлар ўтказиш белгиланган.

Бугунги кунинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларининг излашдан иборат. Ҳозирги вақта бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлар глобал молиявий инқирози ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Табиийки бу борада келтирилган мисол ва рақамлар тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози маълумотимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушиниш ўта соддалик кечириб бўлмас ҳато бўлур эди. Мамлакатимизда иқтисодий инқирозни олдини олиш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жихатидан ҳаммамиздан аввало маъсулиятимизни теран хис қилишимиз борича имконият ва ресурсларни ишга солишни талаб қилади.

2008 – йилда янги ички маҳсулотларнинг ўсиш суратлари 9 % ни, саноатда 12,7%ни ташкил этади. Иқтисодни бошқа муҳим тармоқлари ҳам бор, қатор сифатлар билан ривожланди. Қурилиш 8.3%, транспортда юк ва йўловчи ташиш хажми 10,2%, савдо соҳаси 7,2%, қишлоқ хўжалигида 4,5% ўсишга эришилди. Президент И.А. Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралар» номи асарида жаҳон молиявий иқтисодий инқирозга қарши ишлаб чиқрилган дастурга қуйидаги асосий вазифани ҳал этиш кўзда тутилган.

Биринчидан – Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш замонавий мосланувчан технодлогияларни кенг жорий этиш.

Иккинчидан – жорий конъюктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардош бўлишини қўллаб қувватлаш бўйича канкрет чора – тадбирларни амалга ошириш ва экспортни яратиш.

Учинчидан – Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлари таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш .

Тўртинчидан – электро энергетик тизимини модернизация қилиш, энергия истемолини камайтириш ва энергиус тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Бешинчидан – меҳнат бозорида талаб камайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришларни қўллаб қувватлаш.

Республикамизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ – овқатлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Президент томонидан чорвачилик соҳасининг ривожлантириш бўйича муҳим қарорларни қабул қилиши, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликнинг ривожлантириш ҳукумат дастурлари асосида олиб бораётганлиги туфайли соҳада чорва моллари сонининг кўпайтириш уларнинг насилдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини ортиши провордида истеъмол бозоридаги нарх барқарорлигини сақланиб қолмоқда.

Юртимизда аграр соҳанинг бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохатлар изчиллик билан амалга оширилади. Бу борада давримиз раҳбари томонидан «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришнинг рағбатлантириш чора – тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 23 – мартда қабул қилинган 308 – сонли ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтиришни ҳамда чорвачилик

махсулотларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелда 842 – сонли қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлар маҳкамаси томонидан 2009 – 2011 йилларда чорвачиликни ривожлантириш, қарорлари бош сонини ва махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан Республика дастури ишлаб чиқарилди. Чорвачилик, балиқчилик ва асаларичиликни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор қарорлар қабул қилинди.

Республикамизда чорвачилик соҳасининг ривожлантириш асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда.

Биринчидан – Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини сонини кўпайтириш мақсадида қорамол сотиб олиш микрокредитлар яратиш, турли ташкилотлар қошида қорамолчилик, паррандачилик ва асаларичилик ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш.

Иккинчидан – чорвачиликда насилдорчилик ишларини яхшилаш мақсадида четдан насли моллар келтириш, зооветеринария пунктлари сонини кўпайтириш орқали сервис хизматларини янада ошириш.

Учинчидан – озиқа базасини яхшилаш учун мавжуд озиқа экинлари майдонларидан унумли фойдаланиш. Аҳоли ва фермер хўжаликларига омухта ем ва бошқа озуқа махсулотларини махсус шахобчалар орқали етказиб бериш.

Хозирги кеча – кундузда Республикамизда қорамоллар сони 8,5 млн бош бўлиб, охирги 5 – йилда 2,6 млн. бошга ёки 45 % га кўпаяди. Шундан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида эса 200000 бошга 38 % га, фермер хўжаликларида эса 62 % га ортди.

Қўй ва эчкилар сони 14.4 – млн бош бўлиб, шу йиллар давомида 4,5 млн бошга ёки 45% га, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларида 3,6 млн бошга ёки 65 % га, фермер хўжаликларида 678. 000 бошга ёки 35 % га кўпаяди.

Паррандалар бош сони 33 млн бони ташкил этиб, 14,2 млн бошга ёки 1,7 орти, шундан оҳоли ва деҳқон хўжаликлариди 2,7 млн ёки 4,3 марта ортди. Ўртача йиллар мобайнида зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та махсус пункт ташкил этилиб, хозирда уларнинг сони 2443 тага етказилди. Бу давирда тўлиқ хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробар ошди сигир ва таналарни уруғлантириш 10 баробарга кўпайди.

Республикада чорвачилигини ветеринария мақсадлари учун ишлатиладиган доридармонлар билан таъминлаш ишларини 670 та фирма ва хусусий ветеринария аптекалари бажармоқда. Улар томонидан 740 дан ортик, жами 3,5 миллиард сўмлик ветеринария дори – дармонларисотилган. Бундан ташқари аҳоли қарамғида чорва моллари сонини кўпайтириш ва аҳоли банлигини ошириш мақсадида сўнги 4 йилда четдан қора моллар сотиб олиш учун 125,6 млрд сўм миқдорда микрокредитлар ажратилади. Паррандачилик фермер хўжаликлари сони охириги 3 йилда 370 тага ошиб жами сони 677 тага етказилди.

Қорамолчилик тармоғида 2011 йил 1 – январ ҳолати 8:911 минг бошга етди. Шу жумладан, сигирлар 2982,5 минг бошдан 3680,2 минг бошга (123,4 %), қўй эчкилар 15112 минг бошга (126 %), паррандалар 37,686,5 минг бога (156 %) кўпайди. Провардида чорвачилик махсулотлари, жумладан трик вазинга гўшт ишлаб чиқариш 15694 минг таннага (126,2 %), тухум 3060,8 млн донага (144%) га ошди.

1.1. Мавзунинг долзарблиги.

Ит – бу биринчи «хонакилаштирилган» ҳайвон ҳисобланади. Таърихгача бўлган даврнинг маълум босқичида одамзот (инсон) уни ўраб турган фауна объектларидан - йиртқич ҳайвондан ўзига хўжалик дўстни яратишга эришди. Бироқ ушбу “дўст” бир неча минг йилликлар давомида хавфли санитар мавқега бўлиб қолмай, балки одамзотнинг иқтисодий

душманига айланди. Чунки инсон итларни ўзига яқинлаштириши, ўргатиши оқибатида ўзи ва уй ҳайвонларига бир қанча паразитларни, қайсиқим ўзининг биологик ривожланишида ҳам йиртқич ҳайвон организмида, ҳам ўтхўр ҳайвонлар ва ҳам одамларда паразит қилишга мослашган, яқинлаштирди.

Шундай қилиб, ит одамзотнинг хўжалик дўсти бўлиши билан бирга хавфли санитар душмани бўлиб, инсон ва хўжаликларга санаб бўлмас даражадаги иқтисодий зиён етказиб келмоқда.

Ҳозирга пайтда дунёнинг бир қанча йирик гельминтолог олимларининг тадқиқотлари натижасида ит ва мушуклар одам ва уй ҳайвонлари учун патогенли ҳисобланган гельминтоз касалликларнинг қўзғатувчиларининг ташувчилари, тарқатувчилари эканлиги исботлаб берилган.

Шундай қилиб, ит ва мушуклар одам ва ҳайвонлар билан доимий равишда алоқада бўлиши медико-ветеринар–санитар муносабати бўйича жиддий хавф туғдирмоқда.

1.2. Мавзуни илмий- амалий асосланиши.

Мустақил Республикамиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда айрим гельминтоз касалликлари маълум даражада тўсқинлик қилмоқда. Гельминтоз касалликлари орасида айниқса гельминтозоонозлар, яъни одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлар алоҳида ўринни эгайлайди. Бундай касалликларга токсокароз, тениидоз, цестодоз, дифиллоботриоз, трихинеллез, диоктофимоз ва бошқалар киради. Бу касалликга қарши кураш ва олдини олишнинг бирдан бир йўли бу ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонларни (асосий хужайинлари) режа асосида мунтазам равишда гельминтсизлантириб боришдир.

Ҳозирги кунгача ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонларни гельминтсизлантириш учун бир қанча антигельментик дорилар ва уларни қўллаш усуллари тавсия этилган. Жумладан ареколин, фенасал, феналидон, цестан, цестел (cestel), акрихин, аминоакрихин, дронцит, лопатол, мебендазол, фендон, литий карбонат ва бошқалар. Бу антгельментикларнинг кўпчилиги тениидларга айниқса эхинококкларга 100 % таъсир этмайди (айниқса, онкосфераларига), айримлари эса чет эл давлатларида ишлаб чиқариб валютага сотиб олиш туфайли иқтисодий жиҳатдан қимматга тушмоқда.

Шуларни инобатга олиб бизлар ўз олдимизга қуйидагиларни мақсад қилиб қўйдик:

- Итларнинг токсокароз ва токсаскаридоз касалликларини тарқалишини ўрганиб чиқиш;
- Итларнинг токсокара ва токсаскаридларига қарши айрим препаратларни бериш усулини такомиллаштириш;
- Синаб кўрилган усулнинг иқтисодик самарадорлигини таҳлил қилиш.

2. АДАБИЙ МАНБАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Ит токсокарози. Бу касаллик сурункали кечувчи гельминтоз касаллик бўлиб, жониворларнинг ич кетиши ориқлаши билан ифодаланади. Токсокарознинг қўзғатувчиси Anisakidae оиласидан *Toxocara canis* токскаридозинни эса Ascaridae оиласига кирувчи *Toxascaris leonina* нематодаларидир.

Toxocara canis асосан ит болаларида, *Toxascaris leonina* 6 ойликдан катта ит, тулки, бўри, чиябўри ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар ингичка ичаклари ҳамда ошқозонларида паразитлик қилади.

Toxocara canis энг патоген тур бўлиб, унинг таъсирида итлар ўсишдан тўхтади, айрим пайтларда нобуд бўлишига ҳам олиб келади.

Касаллик қўзғатувчисининг тузулиши. *Toxocara canis* - нинг бошида канотсимон ўсимтаси, қизилўнгач ва ичак ўртасида эса унча катта бўлмаган қоринчаси бўлади. Эркакларининг узунлиги 50-100 мм, думи эгилган ва учида конуссимон ортиғи бор. Урғочисининг узунлиги 65-100 мм бўлиб, унинг жинсий тешиги тананинг олдинги ярмида жойлашган ва тухумининг ташқи эпителиаль пардаси силлиқ бўлади.

Ривожланиши – *Toxocara canis*-нинг урғочилари қўйган тухумларини тезак билан ташки муҳитга чиқариб ташлайди. Тухум ичига 5 кун давомида личинка шаклланиб, инвазион даврга етади.

Ҳайвоннинг ичагида тухумдан личинкалар чиқиб қон томирларига тушади, сўнгра қон билан ўпканинг нафас йўлига ўтади. Кейин эса кекирдадан оғизга келиб, иккинчи марта ичакка тушади ва у ерда жинсий вояга тўлгунга қадар ўсади. Аммо ўпкадаги личинкаларнинг бир қисми капиллярлар орқали қон билан турли орган ва тўқималарга олиб келтиради.

Ҳамда шу ерда цисталарга ўралиб ўсмай қолади. Лекин у нобуд бўлмайди. Ана шу ҳолда дифенитив хўжайинлар зарарланган органни ютиб юборса, личинкалар ҳайвон ичакларида жинсий вояга етади. Буғоз ҳайвонларда личинкалар (платенца) йўлдош орқали ҳомила организмига ўтади. Натижада ҳайвон болалари инвазияланиб туғилади. Шундай қилиб, итнинг *Toxosara canis* тури кўзгатадиган токсокароз билан зарарланиши куйидаги ҳолларда бўлади: Ҳайвон инвазион тухумларини озуқа ёки сув билан ютганда, пўстлок (капсула) ларга ўралган личинкаларни еганда ва она қорнида миграция қилаётган личинкалар плацента орқали ҳомила организмига ўтганда зарарланиши мумкин.

Toxascaris leonina-нинг урғочилари ҳайвоннинг ичакларидан ташқарига тушган тухумлари 3 кундан кейин инвазион хусусиятларга эга бўлиб, уларни ютган ҳайвонларнинг ичакларида личинкалар ажралиб чиқади, ва дарҳол ичак деворларига кириб ривожланали. Бироз вақтдан кейин личинкалар қайтиб ичак бўшлиғига тушиб 3-4 ҳафта давомида жинсий вояга етади.

Ҳар иккала касаллик одамлар учун хавфлидир. Чунки у асосан болаларда оғир патологик жараёнларни кўзгатади.

Эпизоотологияси – Аскаридатозлар билан асосан ёш ҳайвонлар касалланади. Инвазиянинг экстенсивлиги жуда юқори даражада бўлиб, интенсивлиги эса 1-3 ойлик итларда бир неча юз нусхагача етиши мумкин.

Клиник белгилари. Итларнинг ориқлаб кетиши, шиллик пардаларда қонсизлик, асабийлашиш ва иштаҳанинг йуқолиши, ич кетиши билан алмашинадиган ич ўтишлар кузатилади.

Кўпинча қусиш ва талвасаланиш ҳоллари рўй беради.

Паталогоанатомик ўзгаришлар. Жинсий етишган аскаридалар ичакда кўп тўпланиб, унинг тикилиб қолишига ва ёрилишига сабаб бўлиши мумкин.

Жигарнинг ўт йўллариغا текилганида эса ҳайвоннинг ўлимини олиб келади. Ингичка ичакларнинг шиллик пардаларида яллиғланиш қон қуйилиши ва яралар аниқланади.

Диагноз қўйиш ва уни фарқлаш. Диагноз килиник аломатлар асосида ва Фюллеборн усули бўйича аскарда тухумларининг борлигини аниқлаш йўли билан тасдиқланади.

Даволаш олдини олиш ва унга қарши кураш тадбирлари – касалликни даволаш учун пиперазинли тузлари ҳайвонларнинг 1кг тирик вазнига 0,2-0,3 граммдан озиқага қўшиб берилади. Касалликнинг олдини олиш мақсадида ҳайвонлар турадиган катакларни тоза сақлаб, уни қайноқ сув ёки ишқорли иссиқ эритмалар билан зарарсизлантириш мумкин. Итлар ва мўйнали ҳайвонларни режали равишда текшириб туриш ва уларни йилига икки марта гельминтсизлантириш лозим.

Ит – бу биринчи “хонакилаштирилган” ҳайвон ҳисобланади. Таърихгача бўлган маданият йиртқич ҳайвондан хўжалик дўсти яратишга эришди. Бироқ ушбу “дўст” бир неча минг йилликлар давомида хавфли санитар ҳолатга бўлиб қолмай, одамзотнинг иқтисодий душманига айланди. Чунки инсон итларни ўзига ва уй ҳайвонларига яқинлаштириши натижасида бир қанча паразитларни, қайсиқим ўзининг биологик ривожланишида ҳам йиртқич ҳайвон организмида ҳам ўтхўр ҳайвонлар ҳам одамларда паразит қилишга мослашган, кўпайиб кетишга сабаб бўлди.

Шундай қилиб, ит одамзотнинг хўжалик дўсти бўлиши билан бирга хавфли санитар душмани бўлиб, инсон ва хўжаликларга санаб бўлмас даражадаги иқтисодий зиён етказиб келмоқда. Ҳозирга пайтда дунёнинг бир қанча йирик гельминтолог олимларининг тадқиқотлари натижасида ит ва мушуклар одам ва уй ҳайвонлари учун патогенли ҳисобланган гельминтоз

касалликларнинг кўзгатувчиларининг ташувчилари, тарқатувчилари эканлиги исботлаб берилган.

Шундай қилиб, ит ва мушуклар одам ва ҳайвонлар билан доимий равишда алоқада бўлиши медико-ветеринар–санитар муносабати бўйича жиддий хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам дунёнинг кўпчилики давлатларидаги гельминтолог олимлари қуйидагича текширувлар олиб борганлар.

Ана шундай биринчи тадқиқотлардан бу М.Штанделнинг текширувлар ҳисобланади. Муаллиф Харьков губерниясида итларда 4 та паразитни аниқланган. Шуларнинг ичида энг кўп тарқалгани бу *Toxocara canis* (Werner 1782) лигини тасдиқланган.

Доктор Кроббе (Дания) ва доктор Линстовларнинг (Германия) текширувларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар А.П.Федченко томонидан 1868-1871 йиллар давомида Туркистон ўлкасидан йиққан паразитлар коллекциясини текширувидан ўтказиб кўпчилик ҳолатда *Toxocara canis* гельминти борлигини таъкидланганлар. Улар Қозон ветеринария институтида ёриб текширувдан ўтказилган 953 бош итларда 12 турдаги гельментлар борлигини аниқланганлар. Уларнинг орасида *Toxocara canis* ҳам мавжудлиги қайд қилинган.

1916 йилда К.И.Скрябиннинг Туркистон уй ҳайвонларининг гельминтофаунасининг характеристикаси мавзусида ёзилган диссертациясида 12 тур гельминтлар ичида *Toxocara canis* (Werner 1782) борлиги маълум.

1919 йилда К.И.Скрябиннинг ташаббуси билан Собик Иттифоқнинг турли районларида ҳайвонларнинг гельминтофаунасининг ўрганиш мақсадида махсус экспедиция ташкил этилди. Бутун гельминтологик экспедиция ва экскурсиянинг фаолияти давомида 30 мингдан ортиқ

хайвонлар, жумладан итлар тўлиқ гельминтологик текширувлардан ўтказилди. Профессор К.И.Скрябин ва унинг шогирдлари томонидан Собик Иттифоқ худудидаги гельминтологик лаборатория ва экспедицияларда тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули билан 800 дан ортиқ итлар текширувидан ўтказилди. Жумладан, Шимолий ўлкада 37 бош Иванова областида 29 бош, Москва областида 24 бош, Белорусь Респубикасида 178 бош, Шимолий Кавказ ўлкасида 99 бош, Украинада 29 бош, Қримда 50 бош, Арманистонда 45 бош, Қозоғистонда 13 бош, Сибир ўлкасида 66 бош, Узоқ Шарқда 44 бош, Сахалинда 14 бош итлар текширилди. Улар орасида 6 бошида *Toxosara canis* гельминти борлиги қайд этилди. Профессор Фюллеборн *Toxosara canis* личинкалари билан эксперимент ўтказилаётган жараёнда шуни аниқладики, личинкалар нафақат жигарда ва ўпкада боради, балким ўпкадаги артерия орқали катта қон айланиш доирасига кириб хайвоннинг турли орган ва тўқималарига етиб бориб у ерда инкапсулаланади, яъни қобиқ билан ўраб олинади. Инкапсулаланган личинкалар одатда ўсмайди, жинсий вояга етмайди. Бундай цистага ўралган личинкаларни жигар, ўпка, буйрак, лимфа тугунлари, юрак мускулатурасида, склет мускулатурасида, хаттоки бош мияда ҳам учратиш мумкин. Агарда ит бошқа турдаги хайвоннинг гўшт ва органларини, одамлар эса итларнинг гўштини истеъмол қилганларида уларда зарарланиш кузатилади ва паразит организм бўйлаб гепато-пульмонал миграция қилмасдан ошқазон ёки иккинчи бўлим ичакда ўтиб жинсий вояга етади.

Шундай қилиб профессор Фюллеборннинг маълумоти бўйича итларнинг *Toxosara canis* билан зарарланиши икки йўл билан амалга ошади.

1. Касаллик чақриш қобилиятига эга бўлган тухумлар аментар равишда итлар организмига тушган, ошқазон шираси остига тухумларнинг ташқи қобиғи эриб, ичидан чиққан личинкалар ингичка ичакка бораётиб, икки маротаба туллайди ва инвазион личинкага айланади. Ана шундай

инвазион личинкалар ичакнинг шиллик қаватини тешиб капилляр қон томирларга ўтади, қон оқими билан дастлаб жигарга етиб келади, ундан эса юракка, сўнгра кичик қон айланиш доирасига тушиб ўпканинг капиллярларига, ундан эса альвеола, бронхиола ва бронхларга етиб келади. Ҳайвон йўталганида оғиз бўшлиғига тушади, уни балғам билан ҳайвонлар иккинчи маротаба ютганида личинкалар ошқазонга ва ингичка бўлим ичакларининг шиллик пардасига ёпишиб олиб, 29-30 кун ўтгач жинсий вояга етади.

2. Организм бўйлаб ҳаракатланаётган личинкаларининг бир қисми катта қон айланиш доирасига тушиб артерия қон томирларига ўтиб олиб, ҳайвоннинг турли орган ва тўқималарига етиб боради ва капсулага ўралган ҳолатда бир қанча йиллар давомида ўзининг ҳаётчанлигини сақлаб қолади.

Ана шундай капсулага ўралган личинкалар билан зарарланган ҳайвон гўшти ёки орган, тўқималарини итлар (одамлар) ҳам аэлементар равишда истеъмол қилганларида касалликка чалинадилар. Ошқазон шираси остига гўшт ва капсула (циста – туганак) нинг ташқи қобиғи эриб, ичидан чиққан личинкалар энди гепато-пульмонал миграция қилмасдан тўғридан – тўғри ошқазон, ичакнинг шиллик пардасига ёпишиб, 4 ҳафтадан сўнг эса жинсий вояга етади.

Агарда, *Toxosara canis* личинкалари билан зарарланган ҳайвон бўғоз бўлса, катта қон доирасига тушган личинкалар плацента орқали ҳомила организмига тушади. Ҳайвон туққач личинкалар ит боласининг ўпкасида 2 кундан сўнг оғиз бўшлиғига ундан эса ошқазон ва ичакка етиб бориб жинсий вояга этади. *Toxascaris leonina*-нинг ривожланиши эса *Toxosara canis* гельминти ривожланишидан кескин фарқ қилади. *Toxascaris leonina*нинг личинкалари организм бўйлаб гепато-пульмонал миграция қилмайди. Ичида личинкаси бор бўлган тухумлар ҳайвон организмига тушгач ошқазон шираси тухумнинг ташқи қобиғи эриб ичидан чиққан личинкалар ингичка ичакка

бориб унинг шиллиқ пардаси остига киради, ўсади, икки мартаба туллайди, сўнгра ичакнинг бўшлиғига тушиб 3-4 ҳафтадан сўнг жинсий вояга етади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, профессор Фюллеборн томонидан ўтказилган тадқиқотлар, тажрибаларда *Toxascaris leonina*нинг интраутерин зарарланишига эришмаган. Бундан ташқари, янги туғилган ит болаларида *Toxascaris leonina* паразити топилмаган. Жинсий вояга етган тоқсоқара ва тоқсаскаринлар меъёрада ингичка бўлим ичакларида жойлашади. Бу айниқса ёш ҳайвонларда яққол кузатилади. Ингичка ичакда паразитлик қилаётган аскардаларнинг сони бир бош итда бир нусхадан бир неча юз нусхагача бўлиши мумкин. Масалан, профессор Hall ва Negdor -лар бир бош итнинг ичагида 2000 - тагача нусхада аскарин борлиги ҳақида маълумотлар беришдилар. Ҳайвон кучли инвазияланганда ичакнинг тўлиб қолиши ва ҳатто ёрилиши мумкин. Натижада вояга етган аскардалар ўт йўли орқали жигарнинг ўт йўллариغا, ошқазон ости безининг йўллариغا, ошқазонга, қизилўнгачга, бурун бўшлиғига, трахеяга ҳаракатланиб бориши мумкин. French перитонит оқибатида ўлган 6-8 ойлик итни ёриб кўрганида аскаринларни нафақат ингичка ичакда, балким ўт пуфагида, ўт йўлларида, жигарнинг ўт йўлларида борлигини аниқлади. Бунда бир неча аскардалар жигар юзасига чиқиб, қорин бўшлиғига тушган ва перитонитни чақирган. Шунга ўхшаш маълумотларни яна бошқа бир қанча тадқиқотчилар (Petit, Motas, Curt, Pagels ва бошқалар) ҳам тасдиқлашди.

Аскардалар ингичка бўлим ичакда паразитлик қилиши натижасида ичакнинг катараль яллиғланиши, жадал геморрагик энтерит, ичак ярасини келтириб чиқаради. Аскардалар ит организмига механик таъсир этиши билан бирга, ўзидан турли хил токсин ишлаб чиқариб ҳайвон организмини захарланишига олиб келади. Аскариндан танасидан ажратиб олинган суюқликни денгиз чўчқаси венасига 2-3 мл юборилганида денгиз чўчқасини нобуд бўлиши кузатилган.

Flury-нинг маълумотига қараганда аскаридалар танасини таркибида бир қанча кислоталар (чумоли, пропион⁷, мой, валериан ва бошқа) ҳамда альдегид ва эфир борлиги ҳам аниқланган. Бу кислоталарни ит организмга сўрилиши оқибатида сурункали кислота билан заҳарланишга олиб келади. Шунинг учун ҳам кучли инвазияланиш оқибатида жадал ориқланиш, кам қонлик, кучсизланиш ва нерв системасини издан чиқиши намоён бўлади. Бундан ташқари, токсинлар ичак шиллик пардасининг гипермиясига, яллиғланишига ва баъзан некрозига олиб келади.

Итларнинг аскарідотоз касаллигида клиник белгилар ҳайвоннинг ориқланиши, камқонлик, ҳазм орган фаолиятининг издан чиқиши, иштаҳаси сусайгани, ич кетиши, ич кетишини ич қотиши билан алмашинуви, баъзан эса санчикларни пайдо бўлиши каби белгилар намоён бўлади.

Нерв системасининг заҳарланиши натижасида эпилептик қалтираш ва хаттоки қутуриш касаллигига ўхшаш сохта белгилар кузатилиши мумкин.

Касалликни олдини олиш. Аскаридалар билан зараланишининг асосий манбаи бу итларнинг тезаги, қайсиким *Toxosara canis* *Toxascaris leonina*-нинг тухумлари билан инвазияланган, ҳисобланади. Шунинг учун касалликни олдини олиш тадбирлари қуйидагиларга қаратилмоғи керак:

1. Итларни тоза ҳолда сақлаш, бунда ҳайвон тезак билан яқин контактда бўлмаслиги, ҳар куни тезакларини йиғиб олиб куйдириш ёки 1 м чуқурликда кўмиб ташлаш, мунтазам равишда ит сақланадиган жойни, ишлатиладиган асбоб-ускуналарни идишларини қайнаб турган сув билан ишлов бериш лозим.

2. Сув ичадиган ва озуқа қабул қиладиган идишлар ҳар бир ит учун алоҳида бўлмоғи лозим ва улар кунда қайноқ сув билан дезинвазияланиши керак.

3. Озуқанинг тозалигига ва сувнинг сифатлигига эътибор бериш, сув манбасини тезак билан ифлосланмаслигига йўл қўймаслик.

4. Хизматчи итлар дайди, эгасиз, бегона итлар билан алоқада бўлмаслиги.

5. Ҳомиланинг аскардалар билан зарарланишини олдини олиш мақсадида бўғоз итларни текшириб гельминтсизлантириб бориш талаб этилади.

Итларнинг ингичка бўлим ичакларининг гельминтофаунаси тўғрисидаги маълумотлар Блажин, Джикия, Камолов, Гардадзе, Свакизде, Гамбуридзе, Георгадзе, Бурджанадзе, Гачава, Бараташвили, Попов, Петров, Демидова, НасимоваКановалова, Багдашев, Кузнецев ва бошқа бир қанча тадқиқотчиларни ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда мўйнали ҳайвонларнинг гельминтофаунаси тўғрисидаги биринчи маълумот профессор А.М.Петровнинг “Мўйнали ҳайвонларнинг гижжа касалликлари” монографияси ҳисобланади. Бу монография 1941 йилда чоп этилган бўлиб, унда *Toxosaga canis* ҳақида маълумот берилган.

И.Х.Иргашев (1958) биринчи бўлиб Самарқанд вилоятида ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонларнинг гельминтофаунасини систематик равишда ўрганишни амалга оширди. Муаллиф тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули билан 5 бош бўри, 10 бош шағол, 45 бош тулки ва 6 бош ёввойи мушукларни текширувдан ўтказилганда *Toxosaga canis* борлигини қайд этди.

Ўзбекистондаги ёввойи гўштхўр ҳайвонларнинг гельминтофаунасини ўрганиш билан П.Мўминов шуғулланди. Турли табиий шароитларда ва йилнинг турли мавсумларида муаллиф тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули билан 11 турдаги 170 бош ёввойи гўштхўр ҳайвонларни текширувдан ўтказди. Текширув натижаси шуни кўрсатадики, текширилган тулкиларда 29 турдаги гельминтлар, жумладан, 1 турдаги трематод, 11 та цестод 18 та нематод ва 2 та акантоцефалалар топилди: Бўриларда эса 9 турдаги

гельминтлар (8та турдаги цестод ва 4та турдаги нематод), шағолларда 6 та турдаги паразит (3 та цестод ва 3 та нематод) аниқланди. Текширувдан ўтказилган барча ҳайвонларда *Toxosara canis* гельминти борлиги аниқланди.

А.Муртазаев (1965) текширувидан ўтказилган натижаларида *Toxosara canis* гельминтини топган.

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, *Toxosara canis* паразитини Петров (1941) , И.Х.Иргашев (1956), П.Мўминов (1960, 1962, 1963,1965) йилларда топишди. Бу паразитларни ҳатто одамларда учраши қайд этилган. Шу сабабли эпидемиологик аҳамиятга эгадир.

Бўрилар эпидемиологик ва эпизоотологик аҳамиятга эга бўлган кўплаб юқумли паразитларнинг ташувчилари ҳисобланади. Ўзбекистонда бўрилар орасида қайд этилган 25 турдаги гельминтлардан 14 тури ёки 56 % эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

Итларнинг аскаридатозларига (токсокароз ва токсокаридоз) қарши курашишдаги қўлланилган антигельминтлар тўғрисида.

Итларнинг аскардаларига қарши курашишда пиперазин ва унинг тузлари, пиаветрин, панакур (фенбендазол), нилверм, альбендазол, албен, медамин, гельминтокс каби препаратлар ишлатилиб келинмоқда.

Панакур (фенбендазол, ноя-881) химиявий кўриниши S – фенил Гио-2-бензимидазол карбомит, қорамтир-сарғиш тусдаги кукун шаклида, таъми ва хиди йўқ, сувда эримайди. Диметилсульфоксид, диметилформальдегидда яхши эрийди. 226-330⁰Сда парчланади. Германиянинг “Хекст” фирмаси томонидан 22 ва 10% ли суспензия ва кукун ёки гранула шаклида ишлаб чиқарилмоқда. Бир грамм гранула таркибида 222 мг фенбендазол бор. Бу кенг қамровли гельминтоцид таъсирига эга бўлган препарат ҳисобланади.

Кўпчилик ошқазон - ичак ва нафас олиш органларидаги нематодаларга кучли таъсир этади, фасциола, мониезийларга қарши курашишда яхши самара беради.

Фенбендазол ҳайвон организми учун заҳарли таъсир этмайди, терапевтик индекси 1:20 – га тенгдир.

Р.Герлах (1975) итларнинг аскаридаларига қарши 100% сувли суспензия, гранулят ва кукун шаклидаги фенбендазолнинг 25-30мг/кг тана оғирлиги ҳисобида синовдан ўтказди. 25мг/кг тана оғирлиги ҳисобида қўлланилганда суспензия шаклидаги препаратнинг самарадорлиги 90% ни, гранулят ва кукун шаклидагиларнинг самарадорлиги мос равишда 93.3 ва 98.1% тенг бўлди. 30 мг/кг тана оғирлигидаги дозаси эса 100% - лик самара кўрсатди. Препаратнинг анкилостоматидларга қарши самараси 100% -ни ташкил қилди.

И.Бурко ва Е.Робертсонлар (1978) фебендазолни аскаридалар, илмоқбошлилар, дипилидиум ва бошқа гельминтлар билан табиий зараланган итларга синаб кўришди. Улар препаратни 10 % - ли суспензия шаклида оғиз орқали ишлатишди. Токсакор, трихоцефалюс, анкилостомларга қарши 25 ва 150 мг/кг тана оғирлигидаги дозаси самара бермади. Препаратни кунора 3 маротаба қўлланилганда маротаба 5, 25 ва 50 мг/кг тана оғирлигида қўлланилганда эса самарадорлик мос равишда 55, 85 ва 98%ни ташкил этади. Токсокараларга қарши самарадорлиги 51, 96 ва 96%-ни, анкилостоматидларга эса 93,96 фоизни ташкил қилган бўлса, 5 кун каторасига юборилганида эса барча нематодларга қарши самарадорлик 95% га тенг бўлди.

Препарат 50 мг/кг тана оғирлиги ҳисобида қўлланилганида 8 бош итлардан 7 боши тениидлардан ва 7 бош итлардан 2 боши дипиллидиумлардан тўлиқ озод бўлишди. Муаллифлар юқорида кўрсатилган

гельминтларга қарши 3 кун давомида 50 мг/ кг ёки 5 кун давомида 25 мг/кг тана оғирлигида қўлланишни тавсия этишадилар.

Нилвери -(тетрамизол, красверм, анхелвент, апкеркол, аскаридил, цитарин, конкурат, декарис, немицид, нилзан, ветранизол, ветерин - вермизол) - бу 2,3,5,5-тетрагидро- 6 - фенилимидазол – 2.1- тиазол. кукун ёки майда кристалл шаклдаги препарат бўлиб, 264-267⁰С да эрийди. Сувда яхши эрийди. Нилверм препаратини биринчи бўлиб Англиядан инг JCJ (Ай-Си-Ай) фирмаси томонидан нафас олиш органлари ва бошқа нематодаларга қарши антигельминтик сифатида ишлаб чиқилган, кейинчалик нилверм турли фирма ва давлатларда турли ном билан ишлаб чиқарилди. Жумладан, Собик Иттифоқда красверм, Венгрияда 20%-ли тетрамизол гранулят шаклида ишлаб чиқарилган.

А.Бризарт ва П.Доршиес (1968) лар тетрамизол итларнинг ангиостронгилёзига қарши тери остига қўлланилганларида бироз самара берганлигини таъкидлашади.

С.Аксана (1967) нинг маълумотига кўра нилверм 7.5 ва 15 мл/кг тана оғирлигига бир мартаба юборилганида итларнинг **токсокароз** ва токсаскаридозига 100% лик самара берган.

Д.Теонкота (1968) ҳаммуаллифлари билан бирга итларнинг токсикароз, токсоскаридоз ва унцинариозларига тетрамизол гидрохлоридни тажрибаларида синаб кўришганларида яхши самара бергани ҳақида маълумот беришади. Уларнинг таъкидлашича препаратнинг 10 мл/кг миқдориде тери остига ва 20мл/кг оғиз орқали ишлатилган дозаси оптимал ҳисобланади, бироқ айрим итларда қусиш ҳоллари кузатилган.

Г.Вейсенберг (1968) ҳам нилверм препаратини 10мл/кг миқдорда токсаскаридоз ва анкилостомозларга қўллаб яхши самара олган.

П.А.Величкин, Ф.Л.Радун ва Г.С.Гришин (1972) лар итларнинг токсакарозига қарши 1%-ли нилверм препаратини 20 мл/кг миқдорда оғиз орқали юборилганларида юқори самара олганликларини маълум қилишди.

Ушбу препарат Ўзбекистон шароитида қуйидаги тадқиқотчилар томонидан синаб кўрилган: Донияров И.А. ва бошқалар (1990), Мўминов А.К. ва бошқалар (1990), Шакаров А.Г.(1990), Ширинов Ш.Б. ва бошқалар (1990), Орипов А.О. ва бошқалар (1994), Содиқов Т.Е. ва бошқалар (1994), Салимов Ф.Б. (1994).

Кўпчилик пиперазин препаратлари ит, мушук ва бошқа мўйнали ҳайвонларнинг нематодаларига самарали таъсир қилади.

Ф.Манн, М.Харфенист ва Е.Бир (1955)лар ит ва мушукларни гельминтозларга қарши курашишда пиперазин цитрат препаратини синаб кўриб, қариб 100% лик самара бериши ҳақида маълумот беришадилар. Бунда препарат токсакароз ва токсосперидозга қарши 100мл/кг дозада қўлланилган.

М.Вертеюк ва В.Хованилс (1957) токсакароз ва токсаскаридоз билан зарарланган 232 бош тулкиларга пиперазин адипинат препаратини синаб кўришди. Препарат 0,2 г/кг дозада қўлланилди, ҳайвонларда хуч қандай салбий ҳолат кузатилмади.

П.Полякова, И.Лабдушка ва И.Главачек (1960) тулкиларнинг аскаридозига қарши пиперазин адипинат препаратини 0,2 г/кг миқдорда ем билан бир кунлик оч қолдириш йўли билан қўлланилганларида 100%-лик натижага эришганлар. Ушбу муаллифлар кумуш-қора рангли тулкиларнинг токсакароз ва токсаскаридозларига 2 маротаба 24 соат оралатиб 0,25 г/кг дозада қўлланилганларида яхши самарага эришганлар. Бунда ҳайвон бир кун давомида оч қолдирилган, препарат эса мажбурий равишда ёки ем билан бирга қўшиб берилди.

3. ШАХСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР.

3.1. Тадқиқот материаллари ва ҳажми.

Мен малакавий битирув ишимни 2011 йил май ойида бошладим. Унинг тажрибавий қисми малакавий битирув амалиётим даврида Сурхондарё вилоят Қизириқ туманида бажардим. Малакавий битирув ишимнинг мавзуси «Итларнинг токсокарозини даволаш ва олдини олиш тадбирлари»га бағишланган.

Амалиётни ўтаган давримда, итларни токсокароз ва токскарридоз касалликлари билан зарарланиш даражасини аниқлаш ҳамда ушбу касалликларга қарши айрим дориларни синовдан ўтказдик.

Итларнинг аскаридатозлари билан зарарланишини аниқлаш учун Қизириқ туманидаги 5 та: Бектепа, Тинчлик, Бўстон, Пахтакор ва «Ғафур-Ғулом» номли қишлоқларидаги аҳолининг шахсий итлари текширувдан ўтказилди. 6 ойликгача бўлган ит болалари асосан *Toxocara canis* билан 6 ойликдан бир ёшгача бўлган итлар эса *Toxascaris leonina* билан ва катта ёшдаги итлар эса ҳар иккала қўзғатувчининг ташувчиларидир.

Шунинг учун текширув пайтида итларнинг ёши инобатга олинди. Жами бўлиб 103 бош итларнинг тезаги текширувдан ўтказилди. Шундан 38 бош 6 ойликгача бўлган ит болалари 46 боши 6 ойликдан бир ёшгача бўлган ва қолган 19 боши катта ёшдаги итлар эди. Уларнинг тезаги кетма-кет ювиш ва Фюллеборн усуллари билан текширилди.

Кетма-кет ювиш усули. Гумон қилинган ҳайвондан 5-10грамм тезак намунаси олиниб махсус стаканчикларга солинади, устига оддий тоза сувдан солиб яхшилаб аралаштирилиб кейин 10-15 минут тиндирилади. Тоқим чўкма оқармагунга қадар намунанинг суюқ қисми тўкиб ташланади. Ва чўкма петричашкачаларига олиниб оддий кўз билан текширувдан

ўтказилади. Бунда оқ-сарғич тусдаги узунлиги 5-10 см келадиган аскаридаларни кўришимиз мумкин.

Флюотация усули. Гельминт тухумларини эритма юзасига қалқиб чиқариш усули. бунда бир қанча олимларнинг тавсия этилган усуллари мавжуд. Шулардан энг кўп тавсия этилган усули бу Фюллеборн усулидир. Ушбу усулни бажариш учун ош тузининг тўйинган эритмаси керак бўлади. Ош тузининг тўйинган эритмасини тайёрлаш учун бир литр қайноқ турган сувга 350-400 грамм ош тузини эритамиз ва тоза идишларга филтирлаб оламиз.

Усулни бажариш техникаси. Гумон қилинган ҳайвондан 5-10 грамм тезак намунаси олиниб махсус стаканчаларга солинади. Дастлаб оз миқдорда ош тузинингн тўйилган эритмасидан солиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра нисбат 1:20 бўлунча тўйинган эритмадан солиб яхшилаб аралаштирилади. Иккинчи стаканга филтёрлаб олиниб 30-45 минут давомида кимирамайдиган жойда сақланади. Сўнгра намунанинг юзасидан 1-2 томчи олиб буюм ойначасига ўтказилади. Қоплағич ойна билан беркитилиб микроскоп остида текширилади. Унда юмалоқ ёки овалсимон шаклдаги тухумларни кўришимиз мумкин.

Аскарлатоз касаллиги билан табиий касалланган итларга панакур ва пиаветрин препаратларини синаб кўрилди. Табиий зарарланган итларни ахлатини текшириб аниқладик. Сўнгра 3 гуруҳга бўлиниб дорилар синаб кўрилди. Панакур ва пиаветрин дориларини итларга эркин едириш мақсадида гранула шаклида ишлаб чиқилди. Бир гранулла 5 кг тирик оғирликдаги итга мўлжалланган. Дори берилгандан бир ҳафта ўтгач тажрибадаги итлардан тезакги олиниб кетма-кет ҳамда Фюллеборн усуллари билан текширувдан ўтказилди ва дорининг самарадорлиги аниқланди.

3.2. Тадқиқот натижалари.

Тадқиқот натижалари 1- ва 2- жадвалларга келтирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики текширувдан ўтказилган 38 бош 6 ойликгача бўлган ит болаларидан 16 боши аскардалар билан зарарланган қайсиқим 42.1%ни ташкил қилди. 16 бош итларнинг барчаси *Toxosara canis* гельминти топилди. *Toxascaris leonina* топилмади. 38 бош итнинг 21 боши кетма-кет ювиш усули билан, қолганлари Фюллеборн усулида текширилган эди.

Қизирик туманидаги аҳоли итларини аскардатларга текшириш натижалари

Жадвал № 1.

Т/р	Маҳаллалар номи	Текшир- ган итлар бош сони	Шундан		Текширувдан ўтказилган итлар ёши		
			Кетма - кет	Фюлле - борн усули	6-ой	6- 12 ой	1-ёш дан катта
1.	Бектепа	19	9	10	7	9	3
2.	Тинчлик	21	11	10	8	9	4
3.	Бўстон	24	11	13	7	12	5
4.	Пахтакор	19	8	11	8	8	3
5.	Ғафур Ғулом	20	7	13	8	8	4
	Ж а м и:	103	46	57	38	46	19

Итларни аскаридатларга текшириш

Натижалари

Жадвал № 2.

Т/р	Текширувдан ўтказилган итларнинг ёши	Тек. – ган итлар бош сони	Шундан		Топилган Гельминтлар	
			Зарарлан- н	% %	Toxocara canis	Toxascaris leonina
1.	6-ойликгача	38	16	42,1	16	-
2.	6-ойликдан 12-ойгача	46	24	52,1	10	14
3.	Бир ёшдан катта бўлган	19	5	26,3	-	5
	Ж а ми:	103	45	43,68	26/25,2%	19/18,4%

6 ойликдан бир ёшгача бўлган 46 бош итларни текширилганимизда 10 бошида *Toxocara canis* 14 бошида *Toxascaris leonina* гельминтлари топилди. Жами бўлиб 24 бош итлар, ёки текширувдан ўтказилган итларнинг 52,1% -да аскаридалар билан зарарланганлиги аниқланди. Бир ёшдан катта бўлган 19 бош итларни текширувдан ўтказганимизда эса 5 бошида фақат *Toxascaris leonina* паразити топилди. Бу 26,3 %-ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, жами бўлиб, текширувдан ўтказилган 103 бош итлардан 26 боши *Toxosara canis* билан зарарланган бу эса 25,2 %га тенгдир. 19 бошида *Toxascaris leonina* гельминти топилди, бу 18.4 %ни ташкил қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики итларнинг *Toxosara canis* ва *Toxascaris leonina* гельминтлари Қизириқ туманида кенг тарқалган. Бунинг сабаби бизгача итларни вақтида мунтазам равишда режа асосида гельминтсизлантормаслигидир.

Итларни **токсокара** ва токсаскаридларига қарши бир қанча дорилар тавсия этилган. Бу дориларнинг барчаси итларга мажбурий равишда эдирилади. Берилганда дозаси етиб бормаслиги мумкин, ҳамда уй эгаси ва ветеринария мутахассислари учун хавфсизликни тўлиқ кафолат бера олмайди, шуларни инобатга олиб бизлар ўз олдимизга айрим препаратларни гранулла шаклида ишлаб чиқиб, итларга эркин бериш ва бу усулнинг афзаллигини аниқлашни мақсад қилдик. Бунинг учун панакур (фенбендазол) ва пиаветрин препаратлари танлаб олинди ва гранулла шаклида кафедрада ишлаб чиқилди.

Панакурнинг дозаси 30мг/кг тана оғирлигига, пиаветрин бўлса 300 мг/кг миқдорда.

Гранулланинг тайёрлаш техникаси 50.0 грамм препаратлар алоҳида-алоҳида тортиб олинади. Сўнгра шу мақсадда яъна 50 граммда алоҳида-алоҳида ун ўлчаб олиниб бир идишга панакур ва ун, иккинчисига пиаветрин ва ун солиб яхшилаб аралаштирдик. Сўнгра хамир ҳосил бўлгунга сув солиб аралаштирдик ва икки соат давомида устига плёнка билан ёпиб қўйилди. Кейин эса гўшт майдалагичга солиб керакли ҳажмдаги асбобни қўйиб чиқардик. Грануляторга қўйиб кесдик ва бир сутка давомида уй ҳароратида қуритилди.

Қуритилган гранулаларни 2 соат давомида қонда сақладик, қуритилиб ун шаклига келтирилган шакар билан қобик бериб полемер билан якка қобик бериб қуритишга қўйилди, қуритилиб бўлгач хуштаъм ҳид берувчидан солиб яна шакар уни билан ишлов берилди.

Итларнинг тирик оғирлигини ҳисобга олган ҳолда 3-5кг/лик тана оғирлигига мулжалладик.

Токсокара ва токсаскаринд билан табиий зарарланган итлар танлаб олиниб гранулалар синовдан ўтказилди. Бунинг учун 25 бош итлардан фойдаланилди. Итлар 3 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдаги 10 бош итга панакурли гранулла берилди, иккинчи гуруҳдаги 10 бош итга пиоветринли гранулла эркин едилди. Учинчи гуруҳдаги 5 бош итларга препарат берилмади. Назорат сифатида ишлатиди.

Дори берилгандан бир ҳафта ўтгач барча итлардан тезак намунаси олиниб, аввал кетма-кет ювиш усули билан сўнгра Фюллеборн усули билан текширувдан ўтказилди ва дориларнинг самарадорлиги аниқланди.

Препаратларни синаб кўриш натижаси 3-жадвалда келтирилган.

Табиий зарарланган итларга айрим дориларни синаб кўриш натижаси

Жадвал № 3.

Т/р	Гуруҳлар	Итлар бош сони	Берилган			Натижаси	
			Номи	Дозаси мг/кг	Миқдори	Бор	Йўқ
1.	1.гуруҳ	10	Панакур	5	1 марта	-	йўқ

2.	2-гурўх	10	Пиаветрин	300	1 марта	-	Йўқ
3.	3-гурўх (назорат)					Бор	

Жадвалдан кўришиб турибдики 1 чи гуруҳдаги 10 бош ит, қайсики панакурли (фенбендазолли) гранула эркин едилган эди, 100% аскаридалардан озод бўлишган. Дори берилгандан бир ҳафта ўтгач улардан тезак намунаси олиниб дастлаб кетма-кет ювиш усули билан, сўнгра Фюллеборн усули билан текширилганимизда гельминтнинг ўзи ҳам ва унинг тухумлари ҳам топилмади. Грануланнинг самарадорлиги 100%-ни ташкил қилди.

2-чи гуруҳдаги 10 бош итлар пиаветринли гранула билан ишлов берилган эди. Бунда ҳам паразитлар топилмади. Самарадорлик 100 %га тенг бўлди.

Назорат кўригидаги 5 бош итларнинг ахлати кетма-кет ювиш усули билан текширилганда ҳар бир итдан 1-3 нусхадан паразитларнинг ўзи, Фюллеборн усули билан текширилганимизда микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 10-12 та паразитнинг тухумлари топилди.

3.3. Панакурли грануланнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Панакурли грануланнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қиёслаш учун асос қилиб пиперазин препарати билан гельминсизлантириш учун танлаб олинди.

Янги панакурли грануланнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\mathcal{E}_B = C_1 - C_2$$

I – Итларни гельминтсизлантиришдаги харажатларни эски вариантда
(C_1)

1. Гельминтсизлантириш хажми – 100 бош ит.
2. Гельминтсизлантириш миқдори – 8 маротаба
3. Бир гельминтсизлантиришда кетган вақти – 5 кун
4. Гельминтсизлантириш жараёнида қатнашганлар:
 1. Веттехник - 1 нафар
 2. Ишчи -1 нафар ишчи

II.- Итларнинг гельминтсизлантиришдаги харажатлар янги вариантда
(C_2)

1. Гельминтсизлантириш хажми – 100 бош итлар.
2. Гельминтсизлантириш миқдори – 6 маротаба.
3. Бир гельминтсизлантиришда кетган вақти – 2 кун.
4. Гельминтсизлантиришда қатнашганлар:

Веттехник - 1 нафар
Ишчи - 1нафар .
5. Бир бош итни гельминтсизлантириш учун сарфланган панакурли гранула миқдори (30 кг – лик итлар учун) – бта 1 та панакурли грануланинг баҳоси 25 сўм.

Бир бош итга $6 \times 25 = 150$ сўм харажатларни ҳисоблаш.

1.Меҳнат харажатлари: веттехник $(80000: 25,4) \times 2 \times 6 = 3779,52$

Ишчи = $(100000:25,4) \times 2 \times 6 = 472,4$

1. Панакурли грануланинг харажати: 6×100 бош $\times 6$ маротаба 3600×25 сўм $= 90000$ сўм

Барчаси : $90000 + 3779,52 + 4724,4 = 98503,92$

$$98503,92: 100=985,01=594,45 \quad C_g = C_1 - C_2$$

$$\mathcal{E}_g = 1579,46 - 985,1 = 594,45$$

\mathcal{E}_g - 594,45 сўм.

Шундай қилиб, бир бош итни панакурли гранула билан гельминтсизлантилса. 594,45 сўмлиги иқтисодий самара беради.

4. ЧОРВАЧИЛЛИКИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕНЕЖМЕНТ АСОСЛАРИ

Самарадорлик – иқтисодий категория сифатида.

Самарадолик ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юриштишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Бозор шароитида «Самарадорлик» тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга ҳаракатда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади. «Самара» «Самарадорлик» «ижтимоий –иқтисодий самарадорлик» каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш хизмат) фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У «Самара» тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга караганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник иқтисодий лойиха ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик илмий техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Самарадорлик ўз – ўзидан автоматик равишда келмайди. Фан техника тараққиёти, ишлаб чиқариш қувватларига ресурслардан оқилона фойдаланиш, тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва оқилона инвестицион сиёсат самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ва йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик тушунчалари.

Самарадорликнинг асосий харажатларини минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдадир. Корхона хўжалик юритишнинг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлари сифатида меҳнат маҳсудорлигини, фонд қайтимини ва фонд сиғимини материал сиғимини, меҳнат сиғимини, рентабиллик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Самарадорлик, ўз навбатида, иқтисодий ва ижтимоий – иқтисодий самарадорликка бўлинади. Иқтисодий самарадорликга қараганда бир мунча тормаънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлагини тавсифлайди. Ҳамда барча ҳолларда самарадорликнинг унга эришиш учун кетган харажатлари (ишлаб чиқариш ресурслари) га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир килмаган ҳолда) самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий – иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва ижтимоий меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий – иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш,

корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара ходимларнинг билим вამалакаси, тажриба ва маданиятининг ошиши аҳоли соғлигини яхшилаш ва умр кўришнинг узайишида акс этилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан фойданинг ошиши жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазафилар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи – фойда (даромад) ўз – ўзидан юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самардорликка қисқи ёки узоқ муддатларда эришишини мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида махсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини ошириш ажратиладиган маблағларни камайитириш йўли билан кўпайитириш мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши атижасида инқирозга учрашига олиб келиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган котегориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самардорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона биринчидан, ўзининг иқтисодий барқарорлигини ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, иккинчидан, ўз имиджини яхшилайти ва ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди, учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайти. Демак, ишлаб

чиқариш самарадорлиғни ошириш йўлларини қидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъий назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

МЕНЕЖМЕНТНИНГ САМАРАДОРЛИК МЕЗОНЛАРИ

Менежмент тизими самарадорлиғини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳозирги кунгача нафақат қишлоқ хўжалиғи корхоналари, балки барча тармоқдагикорхона ва ташкилотларда ҳам тўлиғича ўз ечимини топмаган ўта мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади. Мазкур муаммони услубий ва амалий ечими бошқарув фаолиятини оқилона ташкил этиш йўлларини белгилашига муҳим замин яратади. Аксарият тадқиқотчилар ишлаб чиқаришнинг ривожланишини якуний натижаларига бевосита бошқарувнинг таъсирини аниқлаш лозим деган фикрни илгари сурадилар, чунки жамиятда кўпла омиллар ўзаро алоқадорликда бўлади. Лекин у ёки бу мақсадга эришишда бошқарув самараси улушини ажратиб олиш ўта мураккаблиғича қолмоқда. Ушбу муаммони ечимини топишга олимлар турлича ёндашадилар. Айримлари, бошқарув самарадорлиғи масаласи ечими мавжуд эмас, деган фикрни илгари сурса, бошқалари уни аниқлашда мавжуд услубиётлар (янги техника ёки капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлиғини аниқлаш) дан фойдаланиш мумкин деган қарашларни таъкидламоқда. Учинчилари фақатгина бошқарувнинг қуйи бўғинидаги самарани аниқлаш билан чегараланмоқда. Тўртинчилари миқдорий баҳолаш умуман мумкин эмас деган фикрни билдиришмоқда.

Қишлоқ хўжалиғида бошқарув фаолияти маълум ишлаб чиқариш натижаларига эришишга қаратилган, мақсадли йўналтирилган бўлиши лозим. Шу боис ҳам бошқарув органлари ишининг сифати ва уни тўғри баҳолаш ва унга эришиш йўлларини аниқ белгилаб олишга боғлиқдир. Тўғри ва аниқ қўйилмаган мақсадлар кутилган ишлаб чиқариш самарасини бермайди.

Кенг маънода қишлоқ хўжалигида менежмент самарадорлиги деганда фаолиятнинг якуний натижаси, жамоанинг ҳаракати, чоралар мажмуи яхлитлигини тушуниш мумкин.

Бошқарув ходимлари меҳнати унумли бўлиб, бевосита ишчилар меҳнатига тенг баҳоланади, шу билан бирга сифати жиҳатидан улар меҳнатидан фарқ қилади, чунки, интеллектуал фаолият бўлдиб бевосита тайёр маҳсулотятрмайди. Бошқарув аппарати ходимлари фаолияти ахборотни йиғиш, жамлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича меҳнат жараёни сифатида намоён бўлади. Шутарика, мақбул бошқарув қарорларини ишлаб чиқариш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган ахборот жараёнлари бошқарув ходимлари меҳнати предмети бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида менежмент фаолиятинатижавийлиги, аввало меженментнинг сифат жиҳатларини акс эттирувчи самарадорлик мезонлари ёрдамида баҳоланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқарувнинг тезкорлиги – қарорларни ўз вақтида тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, теескари алоқадорлик механизмларини яхши йўлга қўйиш;

- бошқарув тизмининг ишончлилиги ахборотни ҳаққонийлиги ва ўз вақтида тақдим этилиши, иш услуби ва қоидаларини илмий – техник тараққиётнинг замонавий даражасига мувофиқлиги, ходимларни тайёргарлик даражаси, иш стажи ва барқарорлиги;

- бажарилаётган вазифалар сифати, техника воситалари билан таъминланганлиги;

- бошқарув тизимининг мақбуллиги – қарорларни қабул қилишда мақбул услубларни қўллаш даражаси, поғонавийликка (иерархия) асосланганлиги, шунингдек, муайян шароитда бошқарувни марказлашганлиги ва марказлашмаганлиги, бошқарув меъёрлари ва ҳоказолардир.

Қайд этилган мезонлар қишлоқ хўжалигида менежмент тизими самарадорлигининг маълум жиҳатларини тавсифлаш билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари сифатида намоён бўлади. Шунинг учун уларни қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш молиявий фаолиятининг якуни кўрсаткичлари билан узвий алоқадорликда кўриб ўтиш жоиз. Шу билан бир қаторда, менежмент самарадорлигини баҳолаш ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисобга олиш орқали ўзининг мустақил йўналишига эга бўлиши лозим.

Менежмент тизими самарадорлигини хўжалик фаолиятининг якуний натижалари ёрдамида аниқлаш, менежмент жараёни ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлгалиги бои мураккаблик келтириб чиқаради. Шунинг учун унинг натижалари бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир қатор омиллари таҳсири билан боғланиб кетади. Шу боис, кўриб ўтилаётган мезон бўйича менежмент самарадорлигини баҳолаш, ишлаб чиқаришининг муайян шароитларида хўжаликни қатор кўрсаткичлар бўйича таққослаш имконини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Менежмент объектини таққосланишини таъминлаш учун кўрсаткичлар орасидан ишлаб чиқаришини объектик иқтисодий шароитларини тавсифлаб берадиганини ажратиб олиш лозим. Мазкур шароитларни тенг таъсири, шу билан бирга, якуний кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш орқали, боғқариш тизимлари самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида менежмент самарадорлигини баҳолашни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бошқариш шароитларини тавсифлаб берувчи кўрсаткичлар алоқадорлигин маълум даражада акс эттирувчи алоҳида мезонлар бўйича ҳам амалша ошириш лозим. Менежмент самарадорлигининг асосий мезонларига бошқарув меҳнати натижавийлигин ёки унумдорлиги ва бошқарув аппарти режалигини кўриш мумкин. Бошқарув ходимлари меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг ўзига хос томонлари бевосита аниқлаш

имконини бўлмаган бошқарув фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Демак, меҳнатни тўғридан – тўғри баҳолаш мумкин бўлган бошқарув ходимларининг индивидуал унудомлик кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Бошқарув ходимлари учун ушбу усул билан айрим турдаги ишлар унудморлигини ҳисоблаш мумкин.

Чорвачилик тармоқлари ҳақида тушунча.

Чорвачилик системасини яхшилаш подани такрор ишлаб чиқариш, наслчилик, озик, ветеринария хизматларини ташкил этишга боғлиқ. Чорвачиликнинг қуйидаги системалари ҳайвонлар йил мобайнида молхонада бошқиш, молхона – яйлов ва яйлов формаси мавжуд. Ҳайвонлар боғланиб ва боғланмай боқилади.

Қорамолчилик чорвачиликда асосий тармоқ бўлиб, кишилар учун озик овқат (гўшт, сут, ёғ, пишлок, қатик, сузма) маҳсулотлари етказиб беради. Инсон томнидан истеъмол қилинадиган маҳсулотлар рақамда 400 ни қорамол маҳсулоти ташкил этади. Мева – чева нормалари ортиб,, одам нормал ривожланиши учун йилига 405 кг сут маҳсулотлари шу жумладан, 128 кг сут, 18 кг ёғи олинган сут, 9,1 кг сузма, 6,6 кг пишлок, 6,6 кг қаймоқ ва 5,5 кг сарти истеъмол қилиш керак. Жон бошига 82 кг гўшт, 36 кг мол гўшти истеъмол қилиниши лозим.

Бир қорамолдан энг юқори маҳсулот олиш 4 % ни ташкил этади. 5000 - 9000 кг сут олиш мумкин. Ўртача бир сигирдан суткасига 25 – 40 кг сут соғиб олиш мумкин. Чорвачиликдаги тайёрланган гўштнинг 43 %, сутнинг 98,5 % қорамолдан олинади.

Чўчкачилик аҳолига гўшт, ёғ, тери берадиган қорамолдан кейинги ўринни эгаллайди. Чўчка сергўшт, у 9 – 10 ойда семиради. Чўчка йилига икки марта болалаб, 18 – 24 бола бериши мумкин. Чўққани 7 – 8 ой боқилганда унинг оғирлиги 100 – 110 кг га боради. Бир она чўчка йил давомида 2 – 2,5 тонна тирик вазнда гўшт бериши мумкин. Қорамолнинг тирик вазнининг 55 – 65 фоизи гўшт чиқса, чўққада 70 – 80 % ни ташкил этади.

Республикада 120 та қорамолчиликка ихтисосланган хўжаликнинг 18 таси наслчилик заводлари, 9 таси наслчилик хўжаликларидир. Наслчилик заводлари турли рангдаги қўйларни кўпайтириш ва қоракўл тери етиштиришни йўлга қўймоқда. Қўйларнинг гўштдор – сержун зоти ярим майин жун ва гўшти учун боқилади.

Қўйчилик қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли учун, саноат учун хом ашё (жун, тери, қоракўл тери) етказиб беради. Қўйнинг асосий маҳсулоти жундир. Шунинг учун жун етиштиришнинг 98 фоизи қўйчиликка тўғри келади.

Тивитли ва ярим тивитли қўй жуни енгил саноат учун энг қимматбаҳо хом ашёдир. Ундан жунли кийин – кечак олинади. Қоракўл териси энг қиммат ашё бўлиб, ундан пальто, пўстин ва бошқалар олинади.

Парранда – аҳоли учун фойдали озиқ овқат ҳисобланади. Ундан тухум ва гўшт олинади. Паррандачиликда патли ёстик ва кўрпа тайёрланади. Парранда маҳсулоти етиштириш учун товук , хўроз, ғоз, ўрдак, индюк ва бошқалар боқилади. Тухум энг калорияли маҳсулот бўлиб, уни таркибида оксил витамин ва мойлар мавжуд. Парранда тез кўпаювчи бўлиб, 6 – 7 ойдан сўнг тухум бера бошлайди. Бир товукдан бир йилда 300 тача тухум олинади.

Пиллачилик - қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, ундан қимматбаҳо ипак толаси оланид. Мустақилликдан кейин пила етиштириш давлат бюртмасидан чиқарилиб, уни сотиш эркин келишилган нархларда олиб борилади. Ҳар йили Республикамизда 30 минг тонна атрофида пила етиштирилади.

Балиқчилик – билан сув ҳавзаларида шуғулланиб келинган. Республиканинг дарё ва кўлларида 62 хил балиқ тури яшайди. Ҳозир «Ўзбалиқ» корхонаси тизмида 8 бирлашма, 7 та комбинат 10 та балиқчилик хўжалиги ва «Чиноз» балиқ аралаш ем ишлаб чиқиш корхонаси ва улгуржи савдо омборлари мавжуд.

Корпорация тизимидаги хўжаликларда 12 мингга сунъий кўл ва ҳовузлар бўлиб, улардан йилига 104 млн дона балиқ совоқлари ва 22 минг т товар балиқ маҳсулотлари етиштириш имконияти яратилган.

Асаларичиликда асосан қимматбаҳо асал, асалари муми, прополис (асалари елими), асалари сути, захари, асалари йиғадиган гулчанглар (перча) маҳсулотлари олинади. Ўзбекистонда 48 асаларичилик хўжалиги, шу жумладан, «Асал» ишлаб чиқариш уюшмаси таркибида 22 асалчилик хўжали (88 000 асалари олиши) мавжуд. Республика бўйича 154 минг асалари оиласи қутиси бор. Асаларичилик билан 20 – 50 (90%) ёки 50 – 150 (10%) қути асалари бўлган хусусий асаларичилар ҳам шуғулланади. Асал 12 марта май, июн (бахорги), ва август, сентябр (ёзги) олинади.

Чорвачиликда маҳсулот етиштириш.

Республикада човарчиликни ривожлантириш учун тупроқ, иқлим шароитлари, унумдор суғориладиган ерлар, бепоён қир – адирлар, дашт – чўл ва тоғолди яйловлари мавжуддир. Суғориладиган ерларда асосан, қорамолчилик, чорвачилик, паррандачилик, қуртчилик, асаларичилик қир – адирларда ва тоғ олди яйловларида қўйчилик, сув ҳавзаларида балиқчилик ривожланган.

Чорвачилик қишлоқ хўжалигида ўсимликчиликдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган соҳа бўлиб, ялпи маҳсулотларининг асосий салмоғини эгаллайди. Чорвачилик аҳоли учун юқори калорияли озиқ – овқат (гўшт, ёғ, пишлоқ ва б.) етказиб беради. Одамлар яшаши учун зарур булган суткалик овқатларнинг 30 % дан ортиғи ва овқат ресурсларидаги оқсилнинг 60% дан ортиғи чорва маҳсулотлари зиммасига тўғри келади.

Чорвачилик енгил ва озиқ авқат саноати хом – ашёси билан (жун, тери, гўшт, сут, ёғ, қоракўл тери, пар ва бошқалар) таъминлайди. Саноатнинг бу тармоқларини ривожлантириш бевосита чорвачиликнинг юксалиш даражасига боғлиқдир.

Чорвачилик, деҳқончилик билан узвий боғланган бўлиб, маҳсулот қонунлари (похол, сомон, картошка, сабзи, пиёз, қанд лавлаги экинлари пояси ва бошқалар) алмашлаб экиладиган экин маҳсулоти (беда, маккажўхори, экинлар) табиий яйловлар ва пичанзорлардан олинадиган озиқалар саноат корхоналаридан чиқарилади. (кўпчилик шелуха, кепак, беда, нон ва б.) умумий овқатланиш корхонасининг моллари учун озиқа етказишда ишлатилади.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий манбаи ем – хашак базанисини яратишдан иборатдир. Ем – хашак экинлари майдони Республика жами қишлоқ хўжалик экинларининг 7,7 фоизини ташкил этади. Уларга беда, маккажухори, озиқабоп лавлаги экилади. Республика бўйича ҳар йили 10 млн тонна пичан ва силос тайёрланади. Ёғ – мой саноат корхоналаридан кунжара шелуха аралаш ем ишлаб чиқарилиб берилади. Човачилик асосан багал, ширали ва концентрат озиқалар ҳисобига ривожланади. Ўзбекистон шароитида ушбу озиқа турларидаги мавжуд ва унинг тўйимлилик протеин миқдори етарли дарали даражада таъминланган. Бозор иқтисоди шароитида чорва учун ем – хашак базасини яратиш, экин майдонларида ем-хашак берадиган экинлар ҳиссасини ошириш. Ҳар бир гектар ердан олидиган озиқа миқдорини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, таннархини камайтириш, исрофгарчилик, тежаб етарли даражада озиқа экинлар сифатли уруғини тайёрлаш. Озуқа тўйимлигини таъминлаб, улар таркибидаги моддалар ҳиссасини ошириш кўзда тутилади. Чорва молларини озиқа бўйича 1 кг суммани биз озиқа бирлик қилиб шартли қорамоллар учун йил давомида 25 – 35 с озиқа бирлиги ҳисобида боқилади. Агар озиқа етарли бўлмаса чорвачилик самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чорва моллари учун зарур экинлардан маккажўхори асосий ўринни эгаллаб, унинг озиқа бирлигини бир кг арпага нисбатан 13,5 % кўп бўлиб, 1,34 озиқа бирлигига тенг. 1 кг кепак таркибада 0,35 – 0,4, лавлаги таркибида 0,26 ,

пўлат сомонида 0,23, кўк беда 0,17, пичанида 0,47, қизил себаргада 0,57 озиқа бирлигига эга.

Озуқа бирлиги асосида чорвани боқиш натижасида юқори маҳсулдорликка эришиш мумкин. Чорва моллар ем – хашагига ҳар хил моддалар қўшиб ҳам маҳсулдорликни ошириш мумкин. Ем – хашакка қўшилган 1 тонна карбалит 10 тонна сут, 500 кг гўшт беради ва 2,5 тонна табиий оқсил ўрнини қоплайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалигида камида 30 шартли бош чорва моллари, ҳар бир шартли қорамол ва отлар учун 1,0, ёш қорамоллар учун 0,6, қўй ва эчкилар учун 0,1, чўчкалар учун 0,3, парранда учун 0,025 гектар, фермер хўжаликларига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молига камида 0,30 – 0,45 гектар, суғорилмайдиганнамлиқроқ ерларда камида 2 гектарни ташкил этади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун шундай имкониятлар ва иқтисодий қонунлар қабул қилиниши, нодавлат секторини, мулкдорлар синфининг янада кўпайтиришга ва маҳсулот ҳажмини кўпайишига қаратилмоқда. Чорвачилик тадбиркорларини қўллаб – қувватлаш йўлида паст фоизли кредит бериш, чет эл инвестициясини киритиш, икки йилгача солиқга тортмаслик чора – тадбирлари ишлаб чиқилган. Мақсад ҳар бир тадбиркор кам материал, пул сарфлабкўпроқ маҳсулот яратишга ўз имкониятларини қаратишдан иборатдир.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳам ўсимликчилик маҳсулотларини етиштириш каби натурал ва пул кўринишидаги кўрсаткичладан иборатдир. Чорвачилик маҳсулотлари самарадорлиги асосан пул кўринишида ҳисобланади.

1. ялпи маҳсулот қиймати, ялпи даромад ва фойдани ишловчига 7 одам – соатига 1 шартли қорамолга 100 сўм, асосий ишлаб чиқариш фондларига;

2. Ишлаб чиқариш харажатларини 1 сўм маҳсулот баҳосига;

3. Рентабеллик даражаси

4. Фойда

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш давомида унинг самарадорлигига баҳо бериш натурал кўрсаткичлар билан амалга оширилади.

1. Қишлоқ хўжалигидаги ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги

2. Ялпи маҳсулот етиштириш натура ва пул кўринишида ҳисобланиб, улар ишловчига, одам – соатига ва бир бош қорамолга қараб;

3. Ишлаб чиқариш харажатлари суммасининг 1 бош қорамолга, 1 у маҳсулотга, 1 сўм ялпи маҳсулотга;

4. 1 центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси;

5. Фойданинг бир бош қорамолга, 1 у маҳсулотга тўғри келади.

6. Маҳсулот етиштириш рентабеллиги билан характерланади.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва уни зооветеринария қоидалари асосида боқиш жараёнида ўйидаги иқтисодий кўрсаткичлар билан аниқланади (поданинг насли, таркиби, типии, нормативи, овқатлантириш, рацион ва ҳоказо), қорамол маҳсулдорлиги ҳамма меҳнат унумдорлиги, бир бошга ишлаб чиқариш харажатлари, кўшимча харажатларни қоплаш, маҳсулот таннархи, фонд ва рентабеллик кўрсаткичларидир.

5. ВЕТЕРИНАРИЯ ИШИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИ.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқумсиз касалликлари мамлакатнинг човачилик хўжалиklarига сезиларли иқтисодий зара келтиради.

Ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлар билан кўплаб касалланиши ва ўлиши ветеринария мутахассислари олдига касалликларга эртароқ диагноз қўйиш ва тарбирлар ўтказишда маъсулиятли вазифаларни юклайди. Ҳайвонларнинг юқумсиз касалликларини олдини олиш ва юқумли касалликларни йўқотиш режаси кабилар ветеринария мутахассисидан касаллик юзага келишининг этиологик сабабларини аниқлашни талаб қилади. Ветеринария мутахассиси ҳайвонларнинг юқумсиз касалликларини олдини олувчи режаларни тайёрлаш жараёнида ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлар билан касалланиши ва улардан ўлиши ҳақидаги бирламчи ветеринария ҳисоби маълумотларини, №2 вет шакли бўйича 6 ойлик ҳисобот озиқа кўпроқ сувларни лабораторияда текшириш хужжатларини ўрғанади. Шунингдек, ҳайвонлар юқумсиз касалликларининг олдини олишга тавсия этиладиган дори воситаларининг борлигини аниқлайди ва уларни олиб келишнинг имкониятини излайди.

Эпизоотияга қарши тадбирлар режасидан фарқ қилиб юқумсиз касалликларнинг олдини олиш тадбирлари индивидуаллик хусусиятига эгадир.

Ветеринария режаларига қўйиладиган режалаштиришнинг тамойиллари ва талабларига амал қилган ҳолда, хўжаликларнинг бош ветеринария врачлари хўжалик миқёсида, ветеринария участкаларининг ва шифохоналарининг мудирлари, хизмат қиладиган ҳудуд миқёсида ҳайвонларнинг юқумсиз касалликларини олди олиш режаларини ишлаб чиқадилар. Хўжаликлар, ветеринария участкалари ва шифохоналарининг

топширган режалари асосида туман бош ветеринария врачлари туман бўйича олдини олиш режасини ишлаб чиқади.

Тайёрланган режа хўжаликнинг бошқарув кенгашида, ветеринария муассасаларининг режалари эса туман ветеринария мутахассисларининг кенгашида муҳокама қилинади.

Сўнгра ушбу режа хўжаликларда хўжалик бошқарувининг қарори билан, туманнинг режаси эса - туман ҳокимининг қарори билан тасдиқланади. Шундан кейин ушбу режаларни барча мутахассислар ва чорва ходимларининг бажариши шартдир. Режанинг биринчи устунда тартиб рақами, иккинчисида – режалаштириладиган тадбирларнинг номи, учинчисида – ўлчов бирлиги (бош сони), тўртинчисида – бир йиллик ишининг ҳажми 5 – 8 ларга шу жумладан йилнинг чораклари бўйича ва 9 – устунда бир йилда бажариладиганлар ёзилади. Юқумсиз касалликларнинг олдини олиш режага диагностик, умумий олдини олувчи ташкилий хўжалик ва бошқа тадбирлар ҳам қўшилиши мумкин.

Тадбирларнинг тахминий саноғи қуйида келтирилади.

Ҳайвонларнинг клиник кўрикдан ўтказиш, диспансер текшириш:

- чорвачилик биноларининг қишлоқ даврида ва ундан кейинги санитария ҳолатини текшириш:

- ҳайвонларнинг турли ёшдаги гуруҳларини ҳисобга олган ҳолатда чорвачилик биноларининг микроклимининг назорат қилиш:

- озиқларнинг сифатини текшириш:

- рационларнинг тўйимлик қийматини ўзгаларининг сифатини лаборатория текширишлари маълумоти асосида баҳолаш:

- биологик тўла қийматли озиқлантиришни ташкиллаштириш ва ҳайвонларни сақлаш қоидаларига риоя қилиш;

- рационда етишмайдиган витаминлар, макро – микроэлементларни тўлдириш учун минерал витаминли қўшилмаларни қўллаш.

Сигирларни ўз ватида соғишдан чиқариш (туғишига энг камида 45-60 кун қолганда).

Ғунажинларни туғишга тайёрлаш (алоҳида гуруҳларга ажратиш, сут соғувчиларга беркитиш). Бўғоз сигирлар ва ғунажинларнинг рационидан сифатсиз озиқаларни олиб ташлаш ва силос беришни чегаралаш.

Сигир ва ғунажинларни 2 – 3 соат давомида 2 – 3 км га доимий юргизиб туриш.

Мода алмашинуви даражасини аниқлаш учун ҳайвонларнинг қонини танлаб текшириш.

Сигир ва ғунажинларнинг елини, туёғини ва бўғозлигини текшириш.

Туғишдан олдин санитария ишларини ўтказиш.

Янги туғилган бузоқларни туғиш бўлимларинидан олиш ва уларни ветеринария санитария ҳамда зоогигиена талабларига жавоб берадиган профилакторияларга жойлаштириш.

Туғилгандан 1 – 2 соат ўтгач бўзоқларнинг тирик оғирлигини ҳисобга олган ҳолда сўрғичли ичиргичлар орқали +36 - +38С ҳароратдаги увиз (уғуз) сутини ичишини назорат қилиш (биринчи 5 – 6 кунлар).

Ультрабинафша нурлар билан нурлаш, бузоқларга витаминли концентратлар, табиий ва сунъий меъда ширали ҳамда тўқима препаратларини қўллаш.

Пархезли озиқаларга меъда шираси, витаминлар ва ацедофелли препаратларни қўшиб нимжон бузоқларга бериш. Нимжон туғилган бузоқларни иссиқ хоналарга жойлаштириш. Иситиш учун электр лампаларидан ва иссиқ уришдан фойдаланиш ва бошқалар.

ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.

Ветеринарияда режалаштиришнинг аҳамияти.

Республикаимиз ветеринария хизматларининг муҳим хусусиятларидан бири ветеринария тадбирларини режалаштириш ҳисобланиб, мазкур режалар

чорвачилик ишлаб чиқариш жараёнларинига мос ва монанд бўлиши ҳамда унинг бажарилишига ижобий таъсир қилиши лозим.

Шунинг учун ветеринария ходимларининг асосий вазифалари мавжуд хайвонларни юқумли ва инвазион касалликлар билан касалланишини олдини олиш, молларнинг соғломлигини таъминлаш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ушбу тадбирларни ўз вақтида ташкил қилиш ва сифатли ўтказиш тўғри тузилган режага боғлиқ бўлиб, режалаштириш давлат идоравий ва хусусий ветеринария тармоқлари учун ҳам мавжуддир.

РЕЖАЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИ.

Ветеринария тадбирларини режалаштириш – касалликларнинг биологик ривожланиш жараёнларига, хўжаликнинг хусусятларига, хайвон турига ва фан техника ютуқларига асосланиб қуйидаги муаммоларга қаратилади.

1. Юқумли ва инвазион касалликларни олдин олиш ва уларни тугатиш.
2. Юқумсиз касалликларнинг олдини олиш.
3. Ветеринария тадбирларни молиявий ва моддий таъминотини режалаштириш.
4. Ветеринария фанини ривожлантириш ва фан техника ютуқларини жорий қилиш.

ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИ РЕЖАЛАРИГА ТАЛАБЛАР

1. Ветеринария тадбирларининг режалари хўжалик ва ишлаб чиқариш давлат режаларига мос бўлиши, ижобий таъсир қилиши лозим.
2. Режалаштириш кўп йиллик маълумотларга асосланади.
3. Режалаштириш пайтида бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, ютуқлар ҳисобга олинади.
4. Режалаштирилаётган тадбирлар аниқ бўлиб, муддати, миқдори ва харажати кўрсатилади.
5. Режалар имконият даражасида бўлиши лозим.

6. Касалликларнинг ривожланиш қонуниятини эътиборга олилади.

7. Профилактик даволаш ва соғломлаштириш ишлари иқтисодий ҳисоб китоб қилиниши лозим.

РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ (ПРИНЦИПЛАРИ)

А) Яхлитлик – барча хўжаликдаги аниқ белгиланган ветеринария тадбирлари бир пайтда ўтказилиши шарт.

Б) Умумийлик – махсус ветеринария тадбирларини хўжалик ташкилий режалари билан монандлиги.

В) Оммавийлик – барча режалаштириш ишлари қуйидан юқорига қадар бажарилади.

Г) Етакчи тадбир – режадаги 1– даражали ёки бош тадбирга ўрғу берилади.

ХЎЖАЛИКЛАРДА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ

Ўзбекистон Республикаси «Ветеринария тўғрисида» ги қонуннинг 10, 11, 12 ва 13 моддаларида таъкидланганидек, хўжаликлар ва ғҳиссадорлик жамиятларида идоравий ёки ишлаб чиқариш ветеринария хизмати жорий этилган бўлиб, тегишли туман ветеринария хизматининг таркибий қисми ҳисобланади. Хўжаликларда ветеринария хизмати ветеринария врачлари ва ветеринария фельдшерлари томонидан амалга оширилиб, мазкур хўжаликлар ишларида фаолият кўрсатади.

Хўжаликдаги ветеринария мутахассислари қуйидагиларни амалга оширадилар:

- хўжалик маъмурияти ва бошқа мутахассислари билан ҳамкорликда чорва молларининг туёғини кўпайтириш, маҳсулот ва хом – ашё ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

- хўжаликда мавжуд ҳайвонларни доимий кўриқдан ўтказиш, режалаштирилган профилактик ва ветеринария санитария тадбирларини амалга ошириш, касал молларни аниқлаб ажратиш ва даволаш;

- хўжаликда Ўзбекистон Республикаси «Ветеринария тўғрисида» ги қонунига риоя қилинишини таъминлаш;

- хўжалик ишлаб чиқариш режаларини бажаришаг мувофиқ фаолият кўрсатиш;

- аҳолини зооантропонозлардан муҳофаза қилиш.

Хўжаликлар ва хиссадорлик жамиятларида ветеринария мутахассисларининг штатларини белгиланиши.

Жамоа, ширкат ва фермер хўжаликларида ҳамда хисадорлик жамиятларида ветеринария хизмати мазкур хўжаликнинг бош ёки катта ветеринария врачлари томонидан ташкил этилиб, у маъмурий хўжалик масалалари бўйича хўжалик раҳбарига, барча мутахассислик масалалари бўйича эса туман давлат ветеринария бўлимига бўйсунди. Шунингдек, айрим хўжалик, бошқарма ёки Вазирликлар қарамоғида бўлса, мазкур хўжалик бош ёки катта ветеринария врачлари тегишли юқори ташкилот ветеринария мутахассисига ҳам бўйсунди.

Хўжалик ва хиссадорлик жамиятларининг бош ветеринария врачлари баъра давлат ветеринария мутахассислари билан келишган ҳолда фаолият кўрсатади.

Хўжаликда хизмат қиладиган бошқа ветеринария мутахассислари эса шу хўжаликнинг бош ёки катта ветеринария врачига бўйсунди.

Хўжаликларда ветеринария хизматларининг штат сонини аниқлаш учун бевосита мавжуд молларнинг шартли бош сонлари ҳисоблаб чиқилиб, кейин белгиланади.

Ветеринария қонунчилигига асосан, хўжаликларда мавжуд моллар шартли бош сони 800 бошгача бўлса, катта ветеринария врачлари,

М: 1 бош сигирга – 1 шартли бош

1 бош буқа - 1 шартли бош

1 бош ёш қорамл – 0,86, йилқи , туя – 0,666, чўчка – 0,16

Қорақўл қўй – 0,1, товуқ – 0,020, жўжа – 0,002.

Хўжалик раҳбари маҳаллий шароит, эпизоотик аҳвол ва ферма хусусиятини ҳисобга олиб, қўшимча штат бериши мумкин.

Наслчилик хўжаликлари учун эса ҳисобланган шартли мол бошини 1,4 коэффицентига кўпайтирилади. 850 эмас, балки 600 – 610 шартли мол бошига 1 ветеринария штати белгиланади.

Чорвачилик ва паррандачилик ҳиссадорлик жамиятларида эса мавжуд штатлар жадвалидан фойдаланиб, ветеринария мутахассисларининг штатлари белгиланади.

6. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВСИЗЛИГИ

6.1. Меҳнат муҳофазаси.

Чорвачиликда касб касалликлари профилактикаси.

Чорвадорларнинг касал бўлишини олдини олиш мақсадида тизимли равишда медицина кўриги ўтказилиб турилиши керак.

